КУН МАВЗУЛАРИ

Ўзбекистонда 15 ноябрдан суюлтирилган газ нархи 2,5 бараварга ошириш кутиляпти

Noyabr 05, 2026



Иллюстративное изображение

Ўзбекистонда 15 ноябрдан аҳоли учун суюлтирилган газ (пропан)нинг чакана нархи килограммига 2000 сўмдан (қарийб 0,17 доллар) 5000 сўмга (қарийб 0,42 доллар) ошади. Нарх оширилиши Вазирлар Маҳкамасининг 31 октябрдаги қарорида назарда тутилган.

Ҳужжатга кўра, газнинг янги нархи қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олади. Ёқилғини аҳолига етказиб бериш ҳақининг энг юқори миқдори килограммига 1300 сўм (қарийб 0,11 доллар) этиб белгиланган.

Айни пайтда кам таъминланган оилалар учун манзилли компенсация жорий этилмоқда. Улар харид қилинган газнинг ҳар бир килограмми учун 3000 сўмдан (қарийб 0,25 доллар) компенсация олиши мумкин, бироқ бу тўлов ойига кўпи билан 20 килограмм газ учун берилади.

Нархлар газ таъминотини ислоҳ қилиш доирасида оширилмоқда. Ислоҳот бозор механизмларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутади. Иқтисодиёт ва молия ҳамда Энергетика вазирликлари 2027 йил 1 майга қадар ҳукуматга суюлтирилган газ нархларини янада эркинлаштириш бўйича таклифлар киритиши керак.

2026 йил сентябрида Ўзбекистонда пропаннинг биржа нархи икки кунда қарийб 65 фоизга — тоннасига 7,4 миллион сўмдан (қарийб 625 доллар) 12,2 миллион сўмга (қарийб 1030 доллар) кўтарилган эди. Кескин ўсиш биржа савдоларида нарх ошишига қўйилган 10 фоизлик чеклов бекор қилинганидан кейин юз берган.

Ўзбекистон ҳукумати пропан кескин қимматлашганидан сўнг, 2024 йил ноябрида биржа нархлари ўсишига чекловлар жорий эта бошлаган эди. 2026 йил мартида Рақобатни ривожлантириш қўмитаси ёқилғи импорти билан шуғулланган 31 та компания фаолиятида қоидабузарликлар аниқланганини билдирган.

Озодлик радиоси © 2026 RFE/RL, Inc. | Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.